



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

2010 йил
9 июнь
ЧОРШАНБА
№ 45
(12.265)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистоннинг ШХТда
раислиги Германия
экспертлари нигоҳида

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидagi долзарб масалалар – Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)даги раислиги ва ушбу ташкилотнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтажак саммитига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Германиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилчи доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари-га Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб мавзулари ва ШХТдаги раислигининг устувор жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Ўзбекистон ШХТда раислиги даврида асосий эътиборни учта – ШХТнинг турли тузилмалари қарор қабул қилиш механизмларини оптимallashtiriш ва замонавийlashtiriш зарурлиги; ШХТ хартиясининг мақсадлари, вазифа ва тамойиллари қатъий амал қилингани ҳолда, унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва меъёрий ҳуқуқий базасини мустахкамлаш эвазига Ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш; минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга татиқ этиш каби йўналишларга қаратгани таъкидланди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги доирасида ушбу халқаро тузилмага аъзо давлатлар ҳамкорлигида аниқ натижаларга эришилганга мўлжалланган даражада қўйилган қўйилганга аъзо бўлиш қарориди. Бу эса, ўз навбатида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга, савдо ва инвестиция учун қулай шарт-шароитларни яратишга, молия, энергетика, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларида амалий ҳамкорликни мустахкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Бундан ташқари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳусусан, Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ишларида муҳим аҳамият қаратилаётгани айтилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг "6+2" мулоқот гуруҳи фаолиятини янгиллаб, унга НАТОни киритиш эвазига "6+3" форматига айлантириш борасидаги ташаббусининг долзарб ва ўз вақтида қи-

ритилган таклиф экани таъкидланди. Аини пайтда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш ишида фаол иштирок этаётгани ва жаҳон ҳамжамиятининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларига ўзининг муносиб улушини қўшаётгани қайд этилди. Мисол сифатида Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган Афғонистон иқтисодиётининг тикланишида муҳим ўрин тутувчи Хайратон-Мозори Шариф темир йўл тarmoғининг қурилиши лойиҳасининг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темирйўл компанияси томонидан амалга оширилиши келтирилди.

Иштирокчилар БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг шу йил апрель ойида Тошкентга амалга оширган ташрифи чоғида қабул қилинган ШХТ ва БМТ Қотибятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларациянинг долзарблиги ва муҳимлигини қайд этишди.

Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияга қўмаклашиш жамияти раҳбари Д. Краа охириги йилларда ШХТ минтақавий ҳамкорлигининг янги қурилиши сифатида шаклланигани таъкидлади. У шунингдек, ташкилотга Ўзбекистоннинг раислиги даврида ШХТнинг нуфузини мустахкамлаш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қатор муҳим ташаббуслар қилинганини айтди.

Унинг фикрича, ШХТнинг платформаси ва доираси ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳам яхши имкониятлар очди.

Ф. Эберт номидаги жамғарма вакили Р. Шуберт Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги муваффақиятлари раислиги Марказий Осиёда ҳақиқий минтақавий интеграциялашувнинг кучайишига хизмат қилишини таъкидлади.

"Жаҳон" АА,
Берлин.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг sanoat, transport, qurilish, aloqa va axloqiga xizmatlar kursatish masalalari bуйича доимий комиссияси тегишли мутахассисларнинг жалб этган ҳолда ерлан фойдаланиши ва аҳолига ер ажратиш бўйича муаммоларни жойига қийиб ўрганиди.

Ишчи гуруҳ режага асосан Охангарон ва Янгийўл туманларида бўлиб, Тошкент вилояти ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасида юридик ва жисмоний шахслар учун ер ажратиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, мурожаатларга ўз вақтида жавоб бериш ҳолатини ўрганиб чиққанда, бир қанча камчиликлар аниқланди.

Жумладан, Охангарон тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги аён бўлди. 2009 йил давомида туман ҳокимлиги девонхонаси фуқаролардан 303 та хат, ариза ва мурожаатларни рўйхатга олган бўлсада, 41 та мурожаат муаллифларига жавоб қайтарилмаган, берилган жавобларнинг аксариятида қонунда белгиланган муддатларга амал қилинмаган.

Бевосита ер масаласида 2009-2010 йилларда ҳокимлик фуқаролардан 136 та мурожаат тушган ва ҳоким қарорлари қабул қилинган. Шундан 27 та қарор ноқонуний чиқарилганлиги сабабли

мурожаат муаллифларига жавоб берилмаган. Мурожаатномаларнинг аксарияти қонунда белгиланган муддатлар бузилиб, 2 ой ва ундан кўп муддатларда ижро этил-

мига тақдимнома киритган. Тақдимномада ариза, хат ва мурожаатларга жавоб бериш муддати ўтказиб юборилгани кўрсатилиб, келгусида бундай қонун бузилишига

ти давлат унитар корхонаси кадрлари танлаш ва жой-жойига қийиб, уларнинг ма-лакасини ошириш масалаларига совуққонлик билан қараётганини кўрсатди.

Комиссия ишчи гуруҳи тақдим этган маълумотлар халқ депутатлари вилоят кенгашининг sanoat, transport, qurilish, aloqa va axloqiga xizmatlar kursatish masalalari bуйича доимий комиссиясининг қўшма мажлисида муҳокама этилди.

Қўшма мажлис вилоят ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг Охангарон ва Янгийўл туман бўлимларида Вазирилар Маҳкамасининг "Ижро интизоми тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг ижроси қоникорсиз, деб баҳоладди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда аниқланган қонунбузарликларни ўнлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, корхоналарни мутахассисларнинг маълумотида алоҳида эътибор берган ҳолда таҳрибли ходимлар билан таъминлаш ва маалакасини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш тасвია этилди.

Саид КАРИМОВ.

АРИЗАНИ НЕЧА ОЙ
КЎРИШ МҮМКИН?

туман прокуратураси тақдим этган протест орқали бекор қилинган.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида 2009 йил давомида 613 та мурожаат рўйхатга олинган. Улардан 413 тасига жавоб берилмаган. 2010 йил 1 январь – 4 май кунлари орасида 161 та хат рўйхатга олинган. 4 май кунига қадар 49 та мурожаатнинг қонунда белгиланган жавоб бериш муддатлари ўтиб кетган.

Доимий комиссиянинг ишчи гуруҳи Янгийўл туманидаги аҳолини ҳам қоникорли эмас, деб топди. Жумладан, 2009 йил давомида туман ҳокимлиги девонхонаси фуқароларнинг 261 та хат, ариза ва мурожаатларини рўйхатга олган, шундан 40 та

йўл қўймаслик талаб этилган. Умуман олганда, Охангарон ва Янгийўл туманлари ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими иш фаолиятини ўрганиш давомида ер ажратиш тўғрисидаги қарорларда ер қонунчилигининг бузилгани, ер участкаларини фермер хўжалиқларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом талабларига риоя этмаслик ва шаҳарсозлик меъёрий қондаларининг талабларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Хар икки туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг маъсулียтли бозимларида "педагог" ва "чиалангар" мутахассислиги бўйича ходимларнинг ишлаши вилоят ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизма-

ти давлат унитар корхонаси кадрлари танлаш ва жой-жойига қийиб, уларнинг ма-лакасини ошириш масалаларига совуққонлик билан қараётганини кўрсатди. Комиссия ишчи гуруҳи тақдим этган маълумотлар халқ депутатлари вилоят кенгашининг sanoat, transport, qurilish, aloqa va axloqiga xizmatlar kursatish masalalari bуйича доимий комиссиясининг қўшма мажлисида муҳокама этилди. Қўшма мажлис вилоят ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг Охангарон ва Янгийўл туман бўлимларида Вазирилар Маҳкамасининг "Ижро интизоми тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг ижроси қоникорсиз, деб баҳоладди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда аниқланган қонунбузарликларни ўнлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, корхоналарни мутахассисларнинг маълумотида алоҳида эътибор берган ҳолда таҳрибли ходимлар билан таъминлаш ва маалакасини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш тасвია этилди.

Саид КАРИМОВ.

ВАДИМ ЯНА
БИРИНЧИ

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байларка ва канозда эшак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқичида дунёнинг энг кучли спортчилари голиблик учун куч синашди.

Канозда эшак эшиш бўйича эркеклар ўртасидаги яхшилик беллашувларида бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтган ўзбекистонлик Вадим Меньков голиб чиқди. 2009 йилнинг энг яхши канозчиси, деб тан олинган ҳамюртимизни булгал бахсларда германиялик Себастьян Брендель ва канадалик Марк Олдершюни ортда қолдирди.

Бир ҳафта мукаддам жаҳон кубогининг Венгрияда ўтказилган иккинчи босқичида маррага биринчи келган В.Меньков умумий рўйхатда ҳам пешқадамлар сафида.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2010»



ИҚТИДОР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Эртамиз эгаларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ёш иқтидор ва истеъод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларининг янги қирраларини очиш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорликда 2005 йилдан буйн "Келажак овози" республика кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Мана, ниҳоят, танловда иштирок этувчи вилоятимиз ёшлари интиқлик билан кутган онлар этиб келди. Охангарон, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Уртачирчиқ туманида ўтказилган танловнинг вилоят минтақавий босқичлари

яқунланди. Унда ёшлар 4 та номинация доирасидаги 15 та йўналиш бўйича иштирок этишди. Танловнинг вилоят финал босқичи бугун вилоят Маънавият ва маърифат марказида ўтказилди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: танловнинг минтақавий босқичида энг иқтидорли ёшлар саралаб олинди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ИШОНЧГА ЯРАША
МАСЪУЛИЯТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз "Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислотлар тақдирини учун масъул бўлган барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай ишончнинг оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор", дея таъкидлаган эдилар. Шунинг ўзи ҳам депутатлар масъулияти нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди.

Юртбошимизнинг юқоридаги фикр-мулоҳазаларига жавобан 86-Чирчиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг Қиррай туманидаги сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Қиррай туманидаги 86-Чирчиқ сайлов округи ҳудудида қирувчи Май, Оқовок, Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Қиррай шаҳарчасидаги маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар, қорхона ва ташкилот раҳбарлари, партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари ва бир гуруҳ ёшлар иштирок этишди.

(Давоми 3-бетда).

ЭЛ ХИЗМАТИГА
КАМАРБАСТА БЎЛИБ

Республика парламентининг янги таркиби шакллантирилганга ҳадемай беш ой бўлади. Хўш, янги сайланган депутат ўтган даврда қандай ишларни амалга оширди? Сайловли дастур ва режаларининг ижроси қай аҳволда?

Давлат ва жамоат ташкилотлари парламент олдида ҳисоб берганидек, ўз навбатида депутатлар ҳам фаолиятлари юзасидан ҳар йили қаида тўрт марта сайловчилар билан учрашиб, уларга ҳисобот бериш мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар. Аини кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари электорат билан учрашиб, уларга амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот бериб, халқнинг талаб ва тақлифларини тинглашаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 87-Янгийўл сайлов округидан сайланган депутати Обиджон Юнусов шаҳар аҳолиси билан учрашувлар ўтказишни бошлади. Янгийўл шаҳридаги технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносидида учрашув,

айниқса, мазмунли ўтди. Чунки, асосан коллеж педагогик жамоаси ва ўқувчилари йиғилган учрашувда ёшларга Олий Мажлис фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди, Республика Президентининг 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида қўйилган вазифаларнинг муҳимлиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

Бундай учрашувлар учун ҳар чоракда 10 кун ажратилган, – дейди депутат Обиджон Юнусов. – 28 май – 6 июнь давомида ўз округимдаги ишчилар, талаба ва деҳқонлар, фахрийлар, хуллас, аҳолининг турли ижтимоий қатлами вакиллари билан юзма-юз учрашишни режалаштирганман.

(Давоми 3-бетда).

7-8 июнь кунлари Стамбулда Осиё ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧ)нинг икки кунлик саммити бўлиб ўтди. Бундан аввалроқ таркатилган хабарларга кўра, саммитда ОХИЧ аъзолари бўлган туқўзта давлат раҳбарлари иштирок этган. Туқтия айнаш шу саммитда Исроилнинг "озодлик флотилияси" кемасига ҳужуми қоралиганига эришишни мақсад қилган эди. Бирок, шу ташкилотга аъзо бўлган Исроил давлати вакиллариининг саммитда иштирок этмаслиги қутилган эди.



